

ПСИХОЛИНГВИСТИКА – ФАНЛАРАРО ИНТЕГРАЦИОН ТАЪЛИМОТ

Шоирахон УМАРОВА

мустақил тадқиқотчи
Фарғона давлат университети
Фарғона, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада психолінгвистик тадқиқотларнинг бошқа фанлар билан интеграцион алоқалари, халқ руҳияти билан боғлиқ жиҳатлари ҳамда тилшунослик соҳасининг ривожланишидаги ўрни масалалари хусусида фикр юритилади.

Таянч сўзлар: психолінгвистика, социопсихолінгвистика, этнопсихолінгвистика, мантик, тил фалсафаси, Пор-Рояль грамматикаси, фанлар интеграцияси.

ПСИХОЛИНГВИСТИКА – МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЕ ИНТЕГРИРОВАННОЕ ОБУЧЕНИЕ

Шоирахон УМАРОВА

Независимый исследователь
Ферганский государственный университет
Фергана, Узбекистан

Аннотация

В статье рассматриваются вопросы интеграции психолінгвистических исследований с другими дисциплинами, аспекты, связанные с психикой людей, а также роль языкознания в развитии этой области.

Ключевые слова: психолінгвистика, социопсихолінгвистика, этнопсихолінгвистика, логика, философия языка, грамматика Пор-Руаяля, интеграция наук.

Инсоннинг нутқий қобилияти кўп қиррали жараён бўлиб, бир қатор биологик, психик ва ижтимоий компонентларни ўз ичига олади. Шу билан бирга, у шахснинг ахлоқий-эстетик жиҳатларини ўзида намоён этувчи ойна ҳамдир. Маълумки, инсон сўзлаш қобилиятининг табиати ва моҳияти фалсафа, мантик, тилшунослик, когнитивистика каби қатор соҳалар қатори психологиянинг ҳам ўрганиш объектидир. Психолінгвистика инсон фаолиятининг энг зарурий жиҳатларидан бири бўлган нутқий фаолиятнинг психик жараёнлари билан боғлиқ хусусиятларини ўрганади.

Нутқий мулоқот орқали инсон ўз ички психологик ҳолатлари (фикрлар, хотиралар, таассуротлар, ҳис-туйғулар)ни ҳам ифодалаш имкониятига эга.

Шунингдек, бошқаларнинг нутқини идрок этади, товушлар, сўзлар ва уларнинг шаклий ва мазмуний боғланишларини ажрата олади, тингловчи сифатида сўзловчининг фикрлари ва ҳис-туйғуларини тушуна олиши билан унинг ички дунёсини англайди.

Тил фалсафаси инсон оламидаги сўзлар, номланиш ҳодисасининг табиати, нарса ва тушунчалар билан уларнинг номлари ўртасидаги муносабат каби муаммоларни ўрганса, тилшунослик ана шу ҳодисаларнинг лисоний асосларини, грамматик қонуниятларини, маъно ва товушнинг ўзаро ички боғлиқлиги каби қатор масалаларни субстанциал тил тизими ва нутқий фаолият доирасида тадқиқ қилади.

Н.Махмудов нутқий фаолиятнинг мантиқ илми билан бевосита алоқадорлигига урғу бериб, шундай ёзади: “Тилимизда “мантақ” ва “нутқ” сўзларининг ўзаги айнан бир эканлиги ҳам бежиз эмас. Ҳолбуки, тил ва тафаккур чамбарчас боғлиқ, мантиқ илмисиз ҳақиқий ижодий тафаккур, гўзал ва аниқ нутқ бўлиши маҳол. Икки маълум фикрдан учинчи бир янги фикрни мустақил ҳолатда келтириб чиқариш ва уни маромига етказиб тилда ифодалай олиш учун мантиқ қоидаларидан бохабарлик зарур бўлади” [4;23].

Дарҳақиқат, аллома олим Форобий ҳам тилни мантиқ илми билан, нутқни эса тафаккур билан боғлаб текширади. Форобий мантиқни грамматикага ўхшатади: грамматика тил қоидаларининг тўғри ишлашини тартибга солганидек, мантиқ ҳам фикрнинг тўғри йўналтирилишини таъминлашга хизмат қилади, деб тавсифлайди: “Бизнинг мақсадимиз ақлни, хатога йўл қўйиш мумкин бўлган барча ҳолларда, тўғри тафаккурга етаклайдиган, унинг ёрдамида ҳар сафар хулоса чиқараётганда адашишга қарши эҳтиёт чораларини кўрсатадиган санъатни — мантиқ санъатини ўрганишдир. Унинг асосий қонун-қоидаларининг ақлга бўлган муносабати грамматика санъати қоидаларининг тилга бўлган муносабатига ўхшаш; худди грамматика кишиларнинг тилини тўғрилаш эҳтиёжи сабабли яратилгани, унга хизмат қилиши зарур бўлгани сингари, мантиқ ҳам тафаккур жараёнини яхши амалга ошириш мақсадида хатога йўл қўйиш мумкин бўлган барча

холларда ақли тўғрилаб туради” [10;25]. Шунингдек, аллома мантиқ ва грамматиканинг фалсафий моҳиятини ҳам аниқ ва тиниқ фарқлаб беради: “...мантиқ грамматика билан қисман умумийликка эга бўлса-да, лекин улар ўзаро тафовут қиладилар ҳам, чунки грамматика тил ибораларининг фақат мазкур миллат тилига хос бўлган қоидаларини берса, мантиқ эса барча тиллар учун умумий бўлган тил иборалари учун қоида беради” [10;35].

Бундан кўринадики, *тил→тафаккур→психика→мантиқ* занжири бир-бирини тўлдиради, тенг ишлайди ва инсон нутқий фаолиятининг тўғрилигини таъминлайди. Тилшуносларнинг эътироф этишларича, психоллингвистика йўналиши, айнан тилнинг мантиқ илми билан боғлиқлиги негизда шаклланди.

Тилнинг мантиқ билан боғлиқлиги хусусида гап кетганда, “Пор-Рояль грамматикаси”га тўхталиб ўтиш жоиз. XVI–XVII асрларда Европада “ҳар қандай тилларнинг грамматик категорияларини мантиқий категорияларнинг намоён бўлиши, юзага чиқиши сифатида тушуниш кучайди” [8;72]. 1660 йилда Париж атрофидаги Пор-Рояль монастирининг роҳиб олимлари мантиқшунос Антон Арно ва тилшунос Клод Ланслолар илк бор “Умумий рационал грамматика” асарини француз тилида яратиб, Парижда нашр қилдилар. Гарчи бу асарда грамматиканинг мантиққа таяниши тўғри асосланган бўлса-да, “Мантиқ барча учун ягона, битта экан, бинобарин, грамматика ҳам умумий ва универсал бўлиши лозим. Ягона грамматика алоҳида тилнинг грамматикаси бўлиши мумкин эмас, у фақат умумий бўлиши мумкин”, деган ғоялар, кўрсатмаларнинг илгари сурилганлиги хато назария эди.

Бу борада Р.Расуловнинг фикрлари ўринлидир: “Хуллас, мантиқий (ёки фалсафий, рационал) грамматика айти бир мазмуннинг турли тилларда турли воситалар билан ифодаланишини ҳисобга олмади. Шунингдек, ушбу грамматика ифода воситаларининг қонун ва категориялари ҳар хил бўлиши мумкинлигини тушунмади. Мантиқий грамматика тилга ўзгармайдиган, бир хилда турувчи ҳодиса сифатида қараб, айти грамматика

ҳар доим мантиқ қоидаларига бир хилда мос келади, деб ҳисоблайдики, бунда ғайри тарихийлик мавжуддир” [8].

Кейинроқ эса инсоннинг нутқий қобилияти жараёнлари психологларни ўзига жалб эта бошлади, яъни тил ва нутқ дихотомияси онг ва тафаккур, маҳсули, психик функциялар натижаси сифатида талқин қилина бошлади. Ушакова бунинг сабабини психик ҳодисалар билан нутқий ҳодисалар ўзаро чамбарчас боғлиқлиги билан изоҳлайди. “Шундай қилиб, нутқнинг мазмунлилиги уни инсон онги билан боғлайди; таъсирнинг нутқий ифодаси – ҳис-туйғулар билан; нутқий идрок этиш – идрок (перцептив функция) тушунчасининг бир кўриниши; сўзлаш – ихтисослашган мураккаб онг тузилмаси актлари билан; тилнинг структураси ва сақланиши хотира турлардан бири сифатида англонади” [7;10].

Шунингдек, олиманинг таъкидлашича, тил ва нутқнинг онтогенези ва филогенези, лисоний-нутқий қобилиятнинг онгли ва генетик таъминоти, нутқий фаолиятнинг жамиятдаги, кишиларнинг ўзаро мулоқотидаги аҳамияти каби масалалар ҳам шубҳасиз, психология соҳасига алоқадордир [7;11]. Шу тариқа, XIX аср охирига келиб, тил ва нутқ психологияси тушунчаси шакллана бошлади.

Тилшунос олим Н.Маҳмудов “”Тил” рисоласида ҳар қандай миллат фарзандининг руҳияти, тафаккури шаклланишида уни қуршаб турган муҳит ва она тилининг ўрни беқиёс эканлиги хусусида фикр юритади. Жумладан, Вильгельм фон Гумбольдтнинг “Тилларнинг хилма-хиллиги фақат товушларнинг турличалиги эмас, балки ҳар бир миллатдаги дунёни кўришнинг фарқлилиги натижасидир” деган гапини эсга олар экан, “чиндан ҳам, ҳар бир миллатнинг ўзига хос кўриш тарзи бор, ўзига хос идрок интизоми бор, умумлаштириб айтганда, ўзига хос тафаккур тамойили бор. Шунинг учун ҳам “миллий онг”, “миллий тафаккур”, “миллий туйғу” деган олий тушунчалар минг йилларки одам боласининг қалбидаги нурга қудрат ва қамров бахш этиб келади.”- деб ёзади. [4;16] Демак, *тил ва тафаккур* масаласи инсоният яралганидан буён мавжуд бўлиб, турли даражаларда

таҳлил ва тадқиқ этиб келинган. Фақат XX асрга келибгина бу масаланинг моҳиятини англашга қаратилган уринишлар натижасида психолингвистика йўналиши фан сифатида шаклланди.

Мулоқотнинг психолингвистик хусусиятлари коммуникантларнинг миллий-маданий оламига, маданий тушунчаларнинг инсон онгида шаклланган минг йиллик қонун-қоидаларига боғлиқдир. В.фон Гумбольдт таъбири билан айтганда, «Ҳар бир тил эгасида ўша тилнинг миллий руҳи акс этади» [2;83].

Кейинги йилларда ўзбек тилшунослигида ҳам психолингвистика масалаларига қизиқиш кучайиб бормоқда [1].

Таниқли тилшунос олим А.Нурмоновнинг “Тилшуносликнинг психология билан муносабати” мақоласида ушбу йўналишнинг пайдо бўлиши ва шаклланиш жараёни илмий асосда ёритиб берилган, соҳанинг илғор ва кучсиз жиҳатлари тавсифланган ҳолда психолингвистика объекти сифатида қуйидаги масалаларни ажратиш мумкинлиги баён қилинган:

1. Нутқнинг вужудга келиш механизмини ўрганиш.
2. Болалар нутқининг шаклланиш жараёнини ўрганиш.
3. Турли нутқий вазиятда нутқни сўзловчи билан тингловчи ўртасидаги муносабатни ҳисобга олган ҳолда ўрганиш.
4. Нутқнинг ахборот ташиш функциясини ўрганиш ва бошқ [6;116–120].

М.Ҳакимов ўз ишларида сўзлашувчиларнинг руҳияти билан боғлиқ социал белгиларни нутқий актлар доирасида текширади. Олимнинг фикрига кўра, психологик контекст сўзловчининг руҳий ҳолатини ифодалайди, сўзловчининг кайфияти, руҳияти, идроки, тасаввури, қўрқиш ёки қўрқмаслиги, рози ёки рози эмаслиги каби маъноларнинг матн мазмунида ифодаланиши назарда тутилади [11;81].

Бу йўналишда биринчилардан бўлиб, Ш.Алпанованинг “Нутқий фаолият жараёнидаги руҳий ҳолатларнинг ўзбек тилининг турли сатҳ бирликлари воситасида акс этиши” мавзусидаги PhD ишида

психолингвистика муаммолари монографик планда тадқиқ этилиб, сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги муносабат, сўзловчи ва матн, тингловчи ва матн ўртасидаги муносабатнинг руҳият билан уйғунлиги, нутқнинг яратилиши ва идрок жараёни, объектив борлиққа субъектив-ҳиссий муносабат, коммуникантлар руҳиятининг нутқда акс этиши каби қатор масалалар ўзбек тили материаллари асосида таҳлил қилинган. Тадқиқотчи психолингвистика объектини қуйидагича тавсифлайди: “Психолингвистика маълум бир шароитда маълум бир ахборотни нутқ бирликлари воситасида тингловчига етказишни, бу нутқ парчасида сўзловчи руҳиятидаги ўзгаришларнинг акс этишини, унинг тингловчига таъсири масалаларини ўрганади. Нутқда ахлоқ-одоб, сўзлашиш расм-русумлари, нутқнинг муайян эҳтиёжлари, сўзловчи ва тингловчининг ёши, савияси, маданийлик даражаси кабилар ўз аксини топади ва буларнинг барчаси психолингвистиканинг тадқиқ манбаи ҳисобланади” [1;13].

Г.М.Насированинг “Психолингвистик тадқиқотлар аҳамиятининг долзарблиги” мақоласида психолингвистика йўналишининг юзага келиш шартлари, ўзига хослиги ва бугунги кундаги зарурати хусусида сўз боради. Муаллиф ҳозирги кунда тилшуносликнинг ушбу йўналиши янада кенгайиб, кенг қўламли масалаларни қамраб олаётгани, жумладан, нутқдаги инсон омили, индивидуаллик, ички нутқ ва ташқи нутқ масалалари кенг ўрганила бошланганига эътибор қаратади. “Психолингвистик тадқиқотлар, биринчи навбатда, матн семантикасини экспериментал ўрганишга, матн мазмунини уни қабул қилувчи томонидан семантик идрок этиш контекстида шаклланиши ва тузилишини ўрганишга қаратилган... Психолингвистика фани *тилнинг реал психик бирлиги муаммоси, нутқ ҳосил қилиш модели: нутқ маданияти, нутқ патологияси, фикр ва нутқ ўртасидаги ўзаро муносабат, нутқ генезиси ёки нутқнинг пайдо бўлиши* каби масалаларни ҳам ўрганади” [5].

Бугунги даврга келиб, психолингвистика антропоцентрик парадигманинг энг фаол фанлараро соҳаси сифатида дунё бўйлаб кенг

ёйилган. Ҳозирда Халқаро амалий психолингвистика ташкилоти мавжуд бўлиб, унинг штаб-квартираси Португалияда жойлашган, халқаро симпозиумлар ҳар уч йилда бир марта ўтказилади. Осако шаҳрида «Халқаро психолингвистика» журнали нашр қилинади. Россия Фанлар академияси Тилшунослик институтининг психолингвистика ва оммавий мулоқот назарияси сектори Психолингвистика маркази ҳисобланади. Тематик тўпламлар йилига икки марта нашр этилади.

Психолингвистик тадқиқотларда нима муҳим эканлигини белгилаш мутахассиснинг қайси жиҳатдан ёндашувига ҳам боғлиқдир. Айтайлик, тилшунослар тилдан қандай фойдаланиш, сўзловчи нутқий фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари, нутқни ишлаб чиқиш ёки идрок этишни тилнинг тизимли табиатидан келиб чиқадиган лингвистик қоидаларга бўйсунадиган жараёнлар деб ҳисоблашади. Психологларни эса индивидуал лисоний шахснинг психологик имкониятларини марказий муаммо сифатида талқин қиладилар. Иккинчи тил (чет тили)ни ўргатувчилар учун эса тил ўрганиш (ёки ўргатиш) жараёнининг осон/қийинлиги талабгорнинг психологик-ментал қобилияти даражасига боғлиқ жиҳатлари, тилни ўзлаштириш муваффақиятига таъсир этувчи омиллар ва бошқалар билан боғлиқ масалалар қизиқтиради. Демак, бир объектга турли ракурсдан ёндашувларнинг мавжудлиги ҳам психолингвистик тадқиқотлар табиатини мураккаблаштиради.

Психолингвистларнинг асосий тайёргарлигининг табиатига қараб, кўриб чиқиладиган муаммоларнинг табиатида, уларни ҳал қилишдаги ёндашувларда, қайси жиҳатга урғу бериш ва нимага эътибор қаратиш кўникмаларида фарқлар мавжуд. Шу нуқтаи назардан, А.А.Залевскаянинг “ҳам тилшунослик, ҳам психология соҳасида фундаментал саводхонлик асосида бугунги куннинг интегратив фан ғояларини қабул қилишга тайёр психолингвистларнинг янги авлодини тайёрлаш зарур” [3;20], деган фикри ўринлидир.

Ҳозирги пайтда психолингвистик ғояларнинг тилшунослик ривожига таъсири тобора ортиб бораётганлиги эътироф этилмоқда. Бу эса “соф” тилшунослик қонуниятлари негизида нейролингвистика, социопсихолингвистика, этнопсихолингвистика каби интеграцион соҳаларга оид тадқиқотларда тил ҳақидаги ғояларни бирлаштириш тенденцияси юзага келганлигидан далолат беради. Лингвистик ҳодисаларнинг функционал жиҳатларига қизиқишнинг ортиши ҳам тилшуносликни психолингвистикага яқинлаштиради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Алпанова Ш. Нутқий фаолият жараёнидаги рухий ҳолатларнинг ўзбек тилининг турли сатҳ бирликлари воситасида акс этиши: Филол. фанл. фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Фарғона, 2018. –50 б.
2. Гумбольдт В.фон. Избранные труды по языкознанию. – М.: Прогресс, 1984. –284 с.
3. Залевская А.А. Введение в психолингвистику. Москва: Рос.гос.гуман. ин-т, 2000. –150 с.
4. Маҳмудов Н. Тил. Тошкент: Ёзувчи, 1998. –166 б.
5. Насирова Г.М.Психолингвистик тадқиқотлар аҳамиятининг долзарблиги // Research Focus, Uzbekistan // www.ReFocus.uz
6. Нурмонов А. Тилшуносликнинг психология билан муносабати // Танланган асарлар. 3 жилдлик. – Тошкент: Академнашр, 2012. 1-жилд. –250 б.
7. Психолингвистика: Учебник для вузов / Под ред.Т.Н.Ушаковой. - М.: ПЕР СЭ, 2006. –224 с.
8. Расулов Р. Умумий тилшунослик. Тошкент: Fan va texnologiya, 2007. – 210 б.
9. Хайруллаев М.М. Форобий ва унинг фалсафий рисоалари. Т.: Фан, 1963. –130 б.;
10. Хайруллаев М.М., Ҳақбердиев М. Мантик. Т.: Ўқитувчи, 1993. – 204 б.

11. Ҳакимов М. Ўзбек прагмалингвистикаси асослари. Тошкент:
Akademnashr, 2013. –250 б.